




ASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 6-OKTYABR, PAYSHANBA, 42 (674)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikning жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тadbirkorlikни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тadbirkorlik фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражасидаги вазифаси этиб белгилансин.

Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар:

Ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар;

Ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар;

тadbirkorlik фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тadbirkorlik субъектларига ет-

казилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикасида тadbirkorlik фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тadbirkorlikнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирликлари ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тadbirkorlik субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахслар тугатилаётганда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган муружжатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказилаётган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тadbirkorlik субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади; молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тadbirkorlik субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишини озод этилади;

қонуний тadbirkorlik фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тadbirkorlik субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади;

тadbirkorlik субъектларига нисбатан тadbirkorlik фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди;

тadbirkorlik субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилади;

тadbirkorlik субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг агента электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-илваларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно;

Давони 2-саҳифада >>

ҲУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР: масъулият ва ишонч фаолият мезонини белгилайди

O'zLiDeP Siёсий Кенгашининг ўтган ойда бўлиб ўтган мажлиси қарорларида партиянинг навбатдаги Съездига тайёргарлик кўриш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Уларнинг ижроси доирасида аниқ кунларда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

Кенгашлари конференциялари ўтказилмоқда. Мазкур тadbirkorlik Республикаси Президентининг сайловига пухта тайёргарлик кўриш, кенг жамоатчилик, электоратимиз вакилларига мазкур сиёсий кампаниянинг аҳамиятини тушунтириш бўйича олиб борилаётган ишлар

миқёсини янада кенгайтириш, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимини ошириш, O'zLiDePнинг VIII Съездига делегатлар сайлаш сингари масалалар атрофида муҳофаза қилинмоқда.

Давони 3-саҳифада >>

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

оилалар ободлиги,
дастурхон тўқинлиги
ва юрт тараққиётининг
муҳим омилидир

Фуқароларга муносиб иш шaroити яратиш ва меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий вазифаларидандир. Зеро, меҳнат муҳофазаси жамият тараққиётини таъминловчи муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Жорий йил 23 сентябрда матбуотда эълон қилинган янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун соҳага оид қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш бaрoбapида иш бeрyвчи ва ходимнинг меҳнaти муҳофaзa қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш, махсус ваколатли давлат органларининг меҳнат шaroитлари ва уни муҳофaзa этиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилаш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давони 4-саҳифада >>

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида ўзбек ва тожик халқларини вақт ва тарих синовидан ўтган кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб туриши, бу яқин кўшничилик, ўзаро ҳурмат ҳамда бир-бирининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда бундан кейин ҳам самарали ҳамкорлик учун қулай ва мустақкам асос яратиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, замонавий Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларига асос солган Ислом Каримов вафоти муносабати билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган дафн маросимида шахсан қатнашгани ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик

изҳор этгани учун Тожикистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Сўхбат давомида Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон бундан кейин ҳам очиқ ва кенг қўламли мулоқотни давом эттиришларини, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли даражадаги сўнгги мулоқотлари чоғида қўллаб-қувватланган таклиф ва келишувлар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги, минтақада тинчлик ва барқарорликни, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларни биргаликда босқичма-босқич амалга ошириш имконини беришига ишонч билдирдилар.

ЎЗА

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар барча соҳаларда изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 5 октябры куни Самарқанд вилоятига ташриф бурди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиш билан бошлади.

Шундан сўнг Оқдарё туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги ишлари билан танишди, фермерлар билан деҳқончиликда самарадорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бaрoбapида уларни қайта ишлашни янада кенгайтириш масалаларини муҳофаза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрда қабул қилинган "Тadbirkorlik фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Самарқанд шаҳрида барпо этилиши режалаштирилаётган, шаҳар аҳолисининг уй-йўли муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган замонавий кўп қаватли уйлар лойиҳаси билан танишди. Ушбу янги уй-жой мажмуаларида аҳолининг ҳар томонлама қулай яшаш учун зарур ижтимоий инфратузилма ҳам яратилди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳри транспорт тизимини янада яхшилаш, замонавий трамвай линияларини барпо этиш лозимлигига эътибор қаратди. Бунинг учун барча имкониятлар мавжудлиги, трамвайнинг экологик тоза транспорт воситаси сифатида атроф-муҳитга таъсири камлигини қайд этаркан, бу лойиҳани сифатли бажариш, 2017 йилнинг Наврўз байрамингача яқунлаш зарурлигини таъкидлади.

Хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда яратилаётган замонавий технологиялар асосида муқобил манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ноёб объект лойиҳасининг амалга оширилиши билан танишди. Мазкур станциянинг ишга туширилиши Самарқанд вилояти ва мамлакатимиз энергия тизимининг Жануби-ғарбий қисми истеъмолчиларини электр энергияси билан муқим таъминлаш имконини беради. Қўйш фотозлектр станцияси йилига 158,3 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Ушбу мажмуа қурилишида маҳаллий маҳсулотлардан кенгроқ фойдаланиш, бундай станцияларни юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бунёд этиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев шу кунни Ургут туманида таш-

қил қилинган sanoat зонасини ҳам бoриб кўрди. Майдони қарийб 42 гектар бўлган бу ҳудудда 40 sanoat корхонаси, жумладан, 19 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1 минг 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили sanoat зонасида қиймати 157,5 миллиард сўмлик 20 турдан зиёд sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан ошди. Хусусан, бу ерда маҳаллий хомашдан гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик тола, электр духовақалар, газ плиталари, бир марта ишлатиладиган пластик идишлар, полимер елим ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

2017 йилда туманда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича яна 78 лойиҳани амалга ошириш ва 3 минг 400 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Туман ерларидан унумли фойдаланиш, хусусан, адирли ерларга ёнғоқ, бодом, тоқ, унаби каби экинлар экиш мақсадаги мувофиқлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, sanoat ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илгор технологияларни жалб этиш мақсадида Ургут эркин индустриал зонаси ташкил этилишини алоҳида қайд этди.

Ургут тумани ҳокимлигида Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашув аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олинди, хурмат бoриб келтирилди.

Йилгилида Ургут тумани мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури кўриб чиқилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш асосида аҳолининг турмуш шaroитларини янада юксалтиришга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев ҳукумат порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган муружжатлардан мисоллар келтирар экан, вилоят мутасаддиларига ушбу масалаларни вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Ҳар бир муружжат Бош вазирнинг назоратида бўлишини алоҳида таъкидлади.

Йилгилида вилоят ва туман бюджетларининг молиявий-иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича долзарб вазифалар, экспорт прогнозларини бажариш, йигим-терим ишлари, кузги экинларни экиш, озик-овқат хавфсизлиги ва нарх барқарорлигини таъминлаш, уй-жойлар ва ижтимоий объектларнинг кузги-қишқи мавсумга тайёрглиги, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, вилоят иқтисодийнинг барча соҳалари узлуксиз ишлаши масалалари муҳофаза этилди.

Анвар Самадов,
Ғолиб Ҳасанов,
ЎЗА



ФАРМОН ВА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Давом. Бошланган 1-саккинда»

экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари ҳудди шундай товар учун айнан сертификат олган аризадаги бир иш куни мобайнида берилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилатганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритсинлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмуричилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни фаол жалб этишини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишининг ва валюталар курси сиёсатининг илгор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишни аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари қўрсатилган хизматлар сифати ва тақдим этилган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

банк фаолиятини тартибга солишининг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатдан, кредит сиёсати маъмурий арашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик; банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи говларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

барча техник талабларни (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) ҳатловдан ўтказин ҳамда илгор хоржий тажрибани инобатга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартафат этадиган тегишли норматив ҳужжатларни

ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан монеликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш юзасидан таклифлар киритсинлар; иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини; жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларини янада либераллаштириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашушга ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришининг аниқ процессуал тартиби белгилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончи ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчаллик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсат берувчи ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларининг муддатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазир Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган Фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Хусусан, Фармон “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик”ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклаганига қолмасдан, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашнинг ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўйилмасликка йўналтирилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашушдан ишончи ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланмоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно;

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланган.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартафат этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазоланиш истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хоржий инвестициялар иштирокидаги ангидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилди.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар хоржий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга табиқ этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш йўл қўйилган.

Хоржий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутди.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчилликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартафат этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида” ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун “Ҳўжалик йоритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилади.

Бундан ташқари, Дастур тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, жиноятлар содир этилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашушнинг ягона мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилишини назарда тутди.

Солиқ маъмуричилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш; тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини божхона органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

ҳуқуқбузилишларининг олдини олишнинг асосий механизмларидан бири ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолати сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчиларининг хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар томонидан тақдим этиладиган хулосаларини ишончилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Дастурда тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари режалаштирилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларини текширган назорат қилувчи орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мустақил кўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиётнинг бартафат этилишига йўналтирилган.

Дастур, шунингдек, ҳўжалик судлари тизимига суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш механизмларини жорий этиш тадбирларини, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтларда эълон қилинишини, ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза бериш тадбиркорлик субъектларини давлат бож тўлашдан озод этишни ҳам ўз ичига олади.

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган.

Хусусан, Дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни назарда тутди.

Шу билан бирга, илгор хоржий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўсиқларни бартафат этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўналиш узилиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 5 октябрь

ЖАРАЁН

ХУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР:

масъулият ва ишонч фаолият мезонини белгилайди



САФДОШЛАРИМИЗ
ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Наманган вилоят Кенгашининг X конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия шаҳар ва туман ташкилотларининг конференцияларида сайланган делегатлар, O'zLiDeP худудий ва маҳаллий ташкилотлари масъул ходимлари, электротимиз вакиллари, оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

Ингилганлар дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирдилар.

O'zLiDeP вилоят ташкилоти раиси Солижон Мўминов партия тизимлари, депутатлар, фаолларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловидаги иштироки ва ушбу жараёндаги асосий вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Нотик партияимиз асосий электорати – тадбиркор ва фермерлар Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланган давлатга айланиши, жамият тараққиёти, юртимизда тинчлик ва оқилоллик барқарор бўлишидан энг манфаатдор қатлам экани, ана шу эзгу мақсадларга эришишда O'zLiDeP ўз куч, таъриби ва салоҳияти билан кўмаклашадиганини қайд этди. Партия вилоят ташкилотидан тортиб, қуйи бўғинларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича изчил ишлар олиб бораётганини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида фаол иштирок этиши, O'zLiDeP томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловидан номзодни қўллаб-қувватлаш барча сафдошларимиз олдида турган энг долзарб вазифалар эканлигини таъкидлади.

Мазкур масала юзасидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлими масъул бошлиғи Зафаржон Худайбердиев, тадбиркор Азимжон Нурматов, педагог Авазхон Иномов, партияимиз фаоли Зафар Арслонов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Сўнгра партия VIII Съездига делегатлар сайлаш мавзусида O'zLiDeP вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Абдулаҳад Алимбаев сўзга чиқди. У тавсия этилаётганлар бўлишини ўқиб эшиттирди. Конференция иштирокчилари делегатликка номзодларни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Конференцияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

– Анжуман қизгин руҳда ўтди, – дейди O'zLiDeP Учкўрғон туман Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Дилором Эсонбоева. – Конференцияда ёшларнинг ҳам сиёсий кампанияда фаол иштирок этиши лозимлиги билдирилди. Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши, истеъдодини намойён этиши ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожланиши фаол қатнашлири учун барча шароитлар яратилган. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг янги таъриҳдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни кучга киргани эса келажакимиз эгалари учун янада кўпроқ имкониятлар эшигини очди, дейиш мумкин. Шундай экан, сайловолди тарғибот тадбирларига ёшларни ҳам кенг жалб этишимиз, уларга мамлакатимизда нақирон авлод вакиллари учун яратилаётган қулайликлар тўғрисида атрафлича маълумотлар беришимиз, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтиришимиз лозим. Фурсатдан фойдаланиб, партиядошларим-

ни, айниқса, ёшларни Ватанимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан аҳамиятга эга воқеа Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида фаол иштирок этишга чақираман.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
“XXI asr” мухбири

СЪЕЗДГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

Партия Сурхондарё вилоят Кенгаши конференциясида таъкидланганидек, бугунги кунда худудда O'zLiDePнинг қарийб 25 минг аъзоси бор. Уларни 614 та бошланғич партия ташкилоти бирлаштирган. Қуйи бўғинларнинг умумий йиғилишларида сайланган делегатлар партия туман ва шаҳар ташкилотлари конференцияларида иштирок этди. Ушбу тадбирларда кун тартибидоги асосий масалалар қаторида Ўзбекистоннинг юксак ривожланган давлатга айлантириш, халқимиз турмуш даражасини янада ошириш ва тинч, оқилоллик ҳаётни таъминлашда тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида ҳам сўз юритилди.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, демократик ўзгариш ва янгиланишларнинг моҳиятини теран тушунадиган, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга қодир муносиб номзодга овоз бериш жамиятимиз, давлатимиз келажиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, – деди конференцияда сўзга чиққан O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Алишер Рўзиев. – Ана шу фикрни аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш, одамларни

хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида ҳали-ҳамон учраб турган айрим тўсиқларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатни янада ривожлантиришга доир мақсадлари моҳиятини яна бир қарра жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш мумкин. Ана шу имкониятлардан оқилоллик фойдаланиш – партияимиз сафини иқтидорли ёшлар, фермер ва тадбиркорлар ҳисобига кенгайтириш учун замин яратди.

– Сайловолди жараёнларида партиянинг ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалари аҳамиятини очиб бериш ҳам катта аҳамиятга эга, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони, вилоят Кенгаши депутати, “Лочин” фермер ҳўжалиги бошлиғи, O'zLiDeP VIII Съездига делегати Аҳмад Нарзуллаев. – Хусусан,



ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида муносиб иштирок этиш учун O'zLiDeP Тошкент вилояти ташкилоти томонидан талай ишлар амалга оширилиши зарур. Аввало, партия Сиёсий Кенгашининг V мажлисида билдирилган фикр-мулоҳаза ва қабул қилинган қарорлардан келиб чиқиб, O'zLiDePдан кўрсатиладиган номзодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан вилоят бўйича бажарилиши режалаштирилган чора-тадбирларни тўлиқ амалга татиқ қилиш лозим. Шунингдек, жойларда сайловолди штабларини тузиш, уларни белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ жиҳозлаш, штабларда навбатчилик ташкил этилиши керак. Сайловга ғоят жиддий тадорик кўриш, сиёсий кампанияни юксак савияда, уюшқоқлик билан олиб бориш, тизимли тарғибот ишларини йўлга қўйиш талаб этилаётди. Чунки, сайлов жиддий имтиҳон ва улкан масъулиятдир. Бутун куч ва салоҳият сафарбар этилгандагина сиёсий кампанияда талаб даражасида иштирок этиш мумкин. Сафдошларимиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ишлаши ушбу жараённинг муваффақиятли кечими кафолатидир.

O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги конференциясида ана шундай самимий фикрлар билдирилди. Тадбирда партия туман ва шаҳар конференцияларида сайланган 120 нафар делегат ҳамда O'zLiDeP тизимиде ишлаётган сафдошларимиз, тадбиркор ва фермерлар, журналистлар иштирок этди.

– Сайловолди жараёнда тарғибот ишларининг аҳамияти беқиёс, – деди ўз сўзида партия худудий ташкилоти раиси вазифасини бажарувчи Тўлқин Файзиев. – Шу боис вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларида тарғибот гуруҳларини,

бошқача айтганда, пухта тайёргарликка эга лекторлар гуруҳларини шакллантиришимиз керак. Улар таркибиде аҳоли орасида катта обрў-эътиборга эга шахслар, зиёлилар, давлат мукофотлари совриндорлари, таниқли тадбиркор ва фермерлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Тарғибот гуруҳлари бўлажак сайловнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, унинг хавфсизлиги ва иқтисодий салоҳиятида нақадар катта аҳамиятга эга экани ҳақида мулоқотлар уюштирадилар, фуқароларни сайловда фаол иштирок этишга даъват қилдилар, шу билан бирга партияимиздан кўрсатилувчи номзоднинг сайловолди дастури бўйича оммабоп тилда тушунтириш ишлари олиб борадилар ҳамда сайловчиларни номзодимизга овоз беришга чақирадилар. Шунинг барборида энг муҳим масалалардан бири – бу муҳим кампания даврида махсус режа асосида республика, вилоят, туман ва шаҳар оммавий ахборот воситаларида, газета-журналлар ва партия веб-сайтларида ҳам тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган оламшумул ютуқлар, шунингдек, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти тарғиботини кучайтириш, партиянинг электротат ичига янада чуқурроқ кириб боришида қуйи бўғинлар ҳамда партиянинг туман, шаҳар ва вилоят ташкилотлари фаоллигини ошириш юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Конференцияда партиянинг VIII Съездига иштирок этувчи делегатлар сайланди.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Суратлари Шўҳрат РАҲИМОВ олган

САЙЛОВ – 2016

Ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим белгиси



Илҳом НОСИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини халқнинг хоҳиш-иродаси тўлиқ намойён бўладиган эркин сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўйга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари Конституция ва қонулар билан кафолатланган.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча соҳалар қатори сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сайлов жараёнларини либераллаштириш, унинг очкичилигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини бераётди.

Қолаверса, Конституцияимизнинг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимиде алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатчилик Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ўтган йиллар давомида шаклланган сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги сайловларни очик ва ошқора ўтказишнинг мустақкам механизми яратилишига олиб келди, буни олдинги сайловларда иштирок этган халқаро экспертлар ҳам миллий сайлов қонунчилигимизнинг бошқа айрим ғарб давлатлари қонунчилигидан афзал томонлари мавжуд эканини таъкидлаганини эслаш кифоя.

Халқаро андозаларга мос миллий сайлов тизимимиз одамлар ўз хоҳиш ва мақсадларини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги, давлат ва жамият бошқарувида қону устуворлигини таъминлаш, давлатнинг асосий органларини сайлаши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб-бериб туриши, тайинлаш йўли билан шаклланди ва уларнинг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги каби умумэтарғибот этилган тамойилларга асосланмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ибораси билан айтганда “Халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳуқуқат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишига боглик. Фуқаролик жамиятини шу жамият фуқароларининг ўзлари шакллантирадилар”.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз фуқаролари учун сайловларда иштирок этиш – бу ўз тақдири ва келажакини мустақкамлаш йўлидаги фаол қадам, фуқаролик жамияти қурилишида ҳамда янги сайланганга юрт раҳбари атрафида янада жиқлашишни атрафлади.

Бу борадаги халқаро тажрибаларга мурожаат қиладиган бўлсак, айрим малакатларда Президент парламентга сайланган депутатлар томонидан сайланади. Бундан ташқари сайлов ташкилотчилари ҳам маълум бир тизимларнинг фаолиятини иборат. Ўзбекистонда эса Президент сайлови фуқароларнинг бевосита иштироки, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тартибиде ўтади. Бу фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигидан, халқимизнинг менталитети ва қадриятларига ҳар жиҳатдан мос келишидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизими мунтазам такомиллашиб бормоқда.

Намунали сайлов участкаси тақдими

Тошкент вилояти Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишнини ташкил қилишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят худудий бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир “Дўрмон” маданият саройида ташкил этилган намунали сайлов участкасининг тақдими билан бошланди.

Марказий сайлов комиссияси котиби С.Қурбонқулов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Ҳ.Ҳамидов ва бошқалар сайловга тайёргарлик жараёнида участка сайлов комиссияларининг сифатли ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилиши мазкур сиёсий тадбирнинг ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтишининг асосларини иштиники таъкидлади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари, округ қошидаги матбуот маркази ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари иштирок этган семинарда сайловнинг миллий қонунчилигимиз талаблари асосида ошқора ўтишини таъминловчи масалалар юзасидан яна бир бор фикр алмашилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари М.Йўлдошева. – Сайлов участкасини барча меъёрий талабларга мувофиқ жиҳозлаш, унда муҳим сиёсий тадбирни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун барча шароит яратиш масалалари намуна сифатида кўрсатилгани иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари”, “Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар”, “Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштиришнинг тартиб-қоидалари” мавзуларида маърузалар тингланди.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири



бўлажак сайловда фаол иштирок этишга ундаш ҳар бир партия аъзосининг биринчи галдаги вазифасига айланиши лозим. Шунингдек, партияимиз Дастурида белгиланган, жумладан, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги мақсад-вазифаларни янада юқори савияда тарғиб қилиш тақозо этилмоқда. Мазкур йўналишлар ҳам партия худудий ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловидеги иштирокида алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбирда сайловолди ҳозирлик ишлари партия дастурий ҳужжатларини янада кўпроқ оммалаштириш, электротат манфаатига доир масалаларга теранроқ назар ташлашга хизмат қилиши ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, O'zLiDePнинг давлат ва жамият ҳаётини янада либераллаштириш, кичик бизнес ва

“Диплом билан – бизнесга”, “Ишбилармон талаба” каби лойиҳалар ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлариға кўмаклашмоқда. Тарғибот тадбирлариға ана шу лойиҳаларда иштирок этган ташаббускор ва изланувчан йигит-қизларни таклиф қилиш яхши самара беради. Улар партия лойиҳаларининг афзалликларини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб беришса, нақирон авлод вакиллари-нинг O'zLiDeP гояларига қизиқишлари янада ошади. Бу эса партияимиз гояларига хайрихоҳ йигит-қизлар сафини кенгайтиради, сиёсий куч нуфузини оширади. Сайловолди даврида бунинг нечоғли муҳимлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Конференция нихосида партияимиз навбатдаги Съездига қатнашадиган вакиллар учун овоз берилди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“XXI asr” мухбири



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Шу кунларда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ғоят масъулиятли жараён арафасида турибди. Жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳар бир партиядан пухта тайёргарликни тақозо этаётир.



ФАОЛЛИК ВА ДАХЛДОРЛИК талаб этадиган палла

Шу муносабат билан Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий бўлиналари томонидан жойларда ташвиқот тадбирлари кучайтирилиб, омма фаоллиги ва фуқаролар дахлдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадбирни одилона, қонун талаби асосида ташкил этиш ва ўтказиш эса мамлакатимиз истиқболли учун ниҳоятда муҳимдир.

МАРКАЗ ЭЪТИБОРИДАГИ МАСАЛАЛАР

О'зЛиДеР Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан ўқувлар сифати, таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга оид тамойиллар, шунингдек, партия дастурий ғояларига таянган ҳолда бошланғич партия ташкилотлари раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда фаоллар учун илмий амалий семинар, конференция, интерфаол давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Мулоқотларда тингловчиларнинг сайлов қонунчилиги ва нотиклик маҳорати оид билими ошириляпти.

Бундай муҳим жараёнларда кўйи бўғинларнинг ҳиссаси ҳамisha сезиларли бўлиб келган. Чунки аҳоли, электоратимиз вакиллари аниқ янги туровчи тузилма айнан бошланғич ташкилотлардир. Бугунги кунда вилоятда 614 та О'зЛиДеР таянч нуқтаси мавжуд бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 66 тага зиёддир.

Айни кунларда давом этаётган, партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлашга қаратилган имзо тўплаш жараёнида бошланғич партия ташкилотлари ҳам ғоят фаол иштирок этмоқда. Сиёсий таълим маркази мазкур тадбирларнинг ҳар жиҳатдан пухта уюштирилиши, ташвиқот ишларининг ўтказилиши, уларга депутатлар, обрў-эътиборли инсонларнинг жалб қилинишига ёрдам бермоқда.

ИҚТИДОРЛИ КАДРЛАР – МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧ

Қайд этиш жоизки, сиёсий таълим маркази партия кадрлар захирасини иқтидорли ёшлар билан таъминлаш, давлат ҳокимияти вакиллик органларида ишлашга қодир, замонавий технологияларни тушунадиган, янги фикрлайдиган кадрларни тайёрлашга ҳам хизмат қилмоқда. "Партия қурилиши йўналишидаги навбатдаги долзарб вазифалар" мавзусидаги туркум семинарлар ҳам ана шундай мақсадга қаратилган.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 2014 йилда ўтказилган сайловларда сиёсий таълим маркази томонидан ўқитилган 446 та бошланғич партия ташкилотининг раисидан 289 нафари, 269 та фермер хўжалиги раҳбаридан 169 нафари депутатлик ўринлари учун номзодини қўйганини таъкидлаш жоиз. Термиз тумани туризм ва меҳмонхона касб-ҳунар коллежи директори, партия кўйи бўғини етакчиси И. Жумаев, Бойсун

туманидаги "Жило-файз" хусусий корхонаси раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси Б. Маматов, Денов туманидаги "Сина" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, таянч тузилма раҳбари Ф. Сайфуллаев, "Буёқ келажак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партиямиз таянч нуқтаси етакчиси С. Раҳимов туман Кенгашларига партиямиздан депутат этиб сайлангани эътиборга молик. Айни вақтда бошқа партиядошларимиз – вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи вазифасида хизмат қилган Х. Расулов, Марказий банкнинг вилоят бўлими раҳбари М. Турсуновнинг парламент кўйи палатасига О'зЛиДеРдан вакил сифатида ишонч билдирилгани ҳам мамнуният билан тилга олиш лозим. Шунинг баробарида марказ семинарларида фаол иштирок этган Ангор туманидаги "Холмурод" фермер хўжалиги раҳбари А. Эшмуродов, Олтинсой туманидаги "Янги турмуш" фермер хўжалиги бошлиғи А. Мажидов, Қизилқум туманидаги "Усон бобо" фермер хўжалиги раҳбари Н. Сатторов ҳозирда ўзлари яшаётган туманининг Фермерлар кенгаши бўлими раиси лавозимини ишляпти. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

ЯНГИ АЪЗОГА ЭЪТИБОР

Мавжуд муаммоларга ечим топиш учун уларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш энг мақбул йўлдир. Сурхондарёда ушбу таъриб тобора оммалашмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят депутатлик гуруҳлари томонидан

мутаасадди ташкилот ва идора раҳбарларига юборилган депутатлик сўровларининг муайян қисми бевосита кўйи ташкилотлар томонидан кўтарилди. Бу таянч тузилма раҳбарларининг марказ машғулотида олган билимларини амалда қўллаётганидан далолат беради.

Партия аъзоларининг кўпайиши уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириши тақозо этади. Бу эса кўйи бўғин раҳбарларидан жонқуярлик, партия Дастури ва Устави бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи янги аъзоларни таништириши талаб этади. Жорий этилган янгиликлардан бири ҳам шуки, тингловчилар жойлардаги намунали бошланғич партия ташкилотлар фаолияти билан бевосита таништирилмоқда. Яқин бир неча ойда вилоятда партия савди 200 дан ортқ янги аъзолар билан кўпайиши ҳам амалиётга татбиқ қилинаётган ўқув услубларининг натижасидир. Мазкур ўқунинг тадбиркор, фермер ва ёшлар ҳиссасига тўғри келаятигани ҳам диққатга сазовор.

Юқоридагилардан марказ ҳар томонлама мукамал фаолият юритяпти, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Чунки, сабоқлар жараёнида махсус ўқув қўлланма ва адабиётларга эътиб эсияляпти. Шунингдек, ғоявий-сиёсий тадбирларда профессионал нотик ва пухта тайёргарликка эга тарғиботчилардан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Гулмира АМИРОВА,
О'зЛиДеР Сурхондарё
вилоят Кенгаши ҳузуридаги
Сиёсий таълим маркази раҳбари
Бехзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Масъулият

дилдан ҳис этилса, натижа самарали бўлади

✓ Навоий вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга пухта ҳозирлик кўриляпти, – дейди О'зЛиДеР Навоий вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Яшин Душанов. – Партия ҳудудий ташкилотларида тузилган сайловолди штаби белгиланган тадбирлар режаси асосида О'зЛиДеР вилоят ҳамда туман, шаҳар бўлимлари, шунингдек, кўйи бўғинларда уюшувлар ўтказмоқда. Унда мамлакатимиздаги сайлов қонунчилиги, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда. Ўз навбатида фуқароларнинг ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаоллигини таъминлашга қаратилган ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Айни кунларда О'зЛиДеРдан мамлакатимиз Президенти лавозимига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича сайловчиларнинг имзолари тўпланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сайловолди штабининг самарали фаолият олиб бориши учун барча шароит яратилган. Махсус хона мебель, интернетга уланган компьютер жамланмаси, телевизор, факс ҳамда телефон аппарати билан жиҳозланган. Бу ерда Конституциямиз, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари, О'зЛиДеРнинг Устав ва Дастури билан танишиш мумкин.

– Сайловолди штабимизда доимий навбатчилик ташкил этилган, – дейди партия ҳудудий ташкилотининг масъул ходими Қўриб Астанов. – Навбатчи жойларда сайловга тайёргарлик ишларининг бори-

шини мувофиқлаштирилади, тадорик жараёнида барча партия тузилмаларининг ҳар томонлама тайёргарлиги таъминланишида иштирок этади, муаммо ва камчиликлар хусусида штаб бошлиғига зудлик билан ахборот беради ҳамда раҳбарият топшириқларини ижрочиларга етказилади.

Қисқаси, биз Олий Мажлис Сенати аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоятдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчилар, ҳурматга сазовор нурунийлар, пешқадам фермер ва тадбиркорлар ҳамда партия аппарати ходимларидан иборат сайловолди штабининг фаолияти самарали бўлишига астойдил интиляпмиз.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

Имзо тўплаш яқунланаяпти

✓ О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят Кенгаши таркибига кирувчи барча тузилмалар бўлажак сайловнинг юқори савияда ўтказиш мақсадида жонбозлик кўрсатишмоқда.



– Ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллалар, корхона ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш учун сайловчилар имзоси тўпланмоқда, – дейди партия вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Муҳиддин Ҳамроев. – Депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари раислари ва фаоллардан тузилган ишчи гуруҳлари ўз вазифаларини сикдикидан бажаряпти. Биз партия маҳаллий Кенгашлари, кўйи бўғинлар имкониятидан самарали фойдаланиб, ушбу муҳим вазифани белгиланган талаб ва муддатда бажаришга киришганмиз. Қашқадарёда 20 мингдан ортқ партия аъзоси бўлиб, уларнинг қарийб 10 минг нафари ёшлардир. Фаолларимизнинг сая-ҳаракати билан 25 мингта имзо тўплаш поёнига етмоқда.

Айниқса, партия ҳудудий ташкилоти ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилиб, имзо варақаларини

тўлдирish тартиби бўйича зарур тавсиялар берилаятигани айни муддао бўлаётир.

– Мамлакатимиз ҳаётидаги жуда муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш тақдирини, келажакимни белгилашни англаб, партиямиз томонидан кўрсатиладиган номзод учун имзо қўйдим, – дейди Шерзод Ҳамдамов. – Биринчи Президентимиз асос солган мустакил давлатимизда амалга ошириляётган ислохотларни изчиллик билан давом эттириш ва юқори босқичга кўтариш, ўлкаимизда осойишталиқни сақлаш юксак салоҳият ва ҳаётий тажриба талаб этади. Мен қўллаб-қувватлаган номзод эса ана шундай қобилиятга эга эканлигига ишонаман.

Ҳа, қашқадарёликлар ҳам сайлов жараёнида бефарқ эмаслиги, эртанги кунини ўзи белгилашга қодир, сиёсий етуқ ва фаол эканлигини намоён этишяпти.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Ўз бурчини теран англаётганлар

✓ Партиямизнинг Самарқанд вилоятидаги кўйи тузилмалари аъзолари мазкур жараёнда жуда фаол.

билдириб, О'зЛиДеРдан кўрсатиладиган номзодни астойдил ёқлаётганини айтишди.

– Ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши учун интиладиган муносиб номзодни қўллаб-қувватлаб имзо қўйдик, – дейди Самарқанд шаҳар марказий шифохонасидаги О'зЛиДеР таянч бўғини етакчиси Холбека Хаятова. – Шифохонамиз тасарруфидаги 11 та оилавий поликлиникада ишлаётган ходимларнинг фаол иштироки туфайли мингта имзо жамланди.

Ўз мухбиримиз

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг раҳбар органи конференция ҳисобланади. Конференция беш йилда камида бир марта таба, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ, ҳисобот-сайлов кўринишида ўтказилади ва конференция делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Конференцияга делегатлар юқори партия ташкилоти томонидан белгиланган вакиллик меъёри асосида сайланади.

Навбатдан ташқари конференция тегишли ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ёки туман, шаҳар партия ташкилотларининг учдан бир қисми талаблари билан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг конференция кун тартибига белгиланган қарори асосида қақирилади.

О'зЛиДеР
Уставидан

Муносиб тараддуд

О'зЛиДеР Сирдарё вилояти Кенгаши сайловчилар имзосини тўплаш тадбирларини бекаму кўст ўтказиш учун бор салоҳиятини ишга солмоқда. Жумладан, вилоят Фермерлар Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлашда сайловчилар имзосини тўплаш уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бу ерда партия ҳудудий ташкилоти масъул ходимлари имзо варақаларини ўрнатилган тартибда муфассал тушунтиришди.

– Айни кунларда мазкур тадбирлар кизгин паллага кирган. Унда кўйи бўғинлар билан бирга партиямиздан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар ҳам фаол қатнашмоқда, – дейди партия вилоят ташкилотининг масъул ходими Дониёр Нурмухамедов.

О'зЛиДеР Сирдарё вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати

Қўлни қўлга бериб

О'зЛиДеР Андижон вилоят туман, шаҳар Кенгашларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзосини тўплаш жараёни давом этаётир.

Тадбирларда партия таянч тузилмалари, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, тарафдорларимиз



фаол иштирок этишмоқда. Масъул ишчи гуруҳлар имзо варақаларини ўз вақтида тўлдирлиши ва тақдим қилинишини назорат қилишмоқда.

Айниқса, Андижон шаҳри, Балиқчи, Шаҳрихон, Улуғнор, Асака, Марҳамат туманларидаги сафдошларимиз бу борада жуда шижоатли.

О'зЛиДеР Андижон вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати

ФАОЛИЯТ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЖАМҒАРМА КЎМАГИДА ЮКСАЛМОҚДА

✓ Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида саноат корхоналари ташкил этиш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш ва янги иш ўринлари яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бугун ҳеч иккиланмай гурур билан айтиш мумкинки, “Made in Uzbekistan” ёрлиги туширилган маҳсулотлар жаҳоннинг исталган давлати бозорида сотилмоқда.

Бундай ютуқлар замирида, аввало, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар муҳим ҳисобланади. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2013 йил 8 августда Ташқи иқтисодий фаолият “Миллийбанк” қошида ташкил этилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”нинг ташкил ва хизматлари ташқи бозорга чиқаришдаги ўрни бугунга келиб салмоқли бўлаётти.

Юртимизнинг барча вилоятларида ўз филиалларида эга бўлган маъмурият жамғарма томонидан Германия, Франция, Италия, Туркия, Туркменистон, Қозғистон, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда тадбиркорларнинг иштироки таъминлаб келинмоқда. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар топиш ва улар билан манфаатли шартномалар тузиш, чет давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, рухсатномалар олишда ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 2 минг 136 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларини экспорт қилишда зарур ёрдамлар кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 2 миллиард 184 миллион АҚШ долларига тенг бўлган экспорт шартномалари имзоланди, улар доирасида 422 та тадбиркор 1 миллиард 43 миллион АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди. Ўтган йилнинг мазкур даврига таққослаганда жамғарма кўмағидан фойдаланган тадбиркорлар сони 354 та, яъни 20 фоизга, амалга оширилган экспорт ҳажми эса 61 миллион долларга, яъни 6 фоизга кўпайди.

Шуни айтиш лозимки, ушбу жамғарма тадбиркорларимиз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. — дейди жамғарманинг Хоразм вилояти филиали директори Отабек Атамуродов. — Филиалимиз кўмағида 2016 йилнинг ўтган даври мобайлида 27 та тадбиркорлик субъектининг 33 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, 15 миллион 900 миң долларлик ўндан ортиқ турдаги маҳсулот экспорт қилинди. Вилоят ҳокимлиги қошида экспортёр корхоналар муаммоларини ўрганиш, экспорт фаолиятини яхшилаш, вилоятни иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлар таркибидagi фаол иштирокчимиз бу каби натижаларда қўл келмоқда.

Хизматлар лицензияланган

Филиалимиз кўмағида 4 та янги экспортёр корхона қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортга жалб этилди. Хусусан, “Agro Chino Savdo” агрофирмаси 952 миң АҚШ долларлик, Урганч туманидаги “Аббосбек” хусусий корхонаси 800 миң ва Гурлан туманидаги “Gurlan Meva” агрофирмаси 315 миң АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди. Яқиндан бошлаб эса филиалимиз кўмағида вилоятимиз тадбиркорларининг экспорт географияси янада кенгайди. Бирлашган Араб Амирликларига 11 миң 500 АҚШ долларлик ва Беларусъ Республикасига 15 миң АҚШ долларлик қийматидаги узум, шафтоли ва ҳурмо экспорти бошланди. Ўндан ташқари жамғарма томонидан вилоятдаги экспортёрларни рағбатлантириш, уларга экспорт-толдир фаолиятини молиялаштириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун айланма маблағга эга бўлишларида 3 ойдан 6 ойга мўддатга 300 миллион сўмгача фойсиз қарз берилмоқда. Жумладан, Қўқўлир туманидаги “Зокрижон Зоҳиджон Сервис” оилавий корхонаси ва Гурлан туманидаги “Гурлан савдо” шўъба корхоналарига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш мақсадида фойсиз 300 миллион сўм ажратилди. Шу каби тадбирлар натижасида вилоятнинг экспорт салоҳиғи ўтган йилларга нисбатан бирмунча ошди. Қолаверса, тадбиркорларнинг янги бозорларга ўз маҳсулотлари билан чиқишлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини оширишида яқин ҳамкор ва кўмакчи бўлаёلمиз.

Шу ўринда жамғарманинг ташқи бозорни ўрганиш ва маҳсулот экспортга кўмаклашишдаги фаолиятига оид айрим далилларни келтириб ўтсак. Жорий йилнинг ўтган даври мобайлида 10 га яқин давлатда, хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган “Who’s Next – Pret-a-Porter Paris 2016” кўргазмасида 24 миллион долларлик қийматдаги экспорт шартномалари имзоланиб, 16 миллион долларлик экспорт амалга оширилган бўлса, январь ойида Германияда бўлиб ўтган “Яшил ҳафта – 2016” халқаро кўргазмасида 58 нафар тадбиркорнинг 102 турдаги маҳсулоти билан иштироки таъминланиб, 9 миллион долларлик экспорт келишуви тузишга кўмаклашилди ва 8 миллион 500 миң АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди. Шунингдек, май ойида Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган “AYMOD 2016” халқаро чарм-пойабзал кўргазмасида республи-

камиздан 10 нафар пойабзал ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар билан бирга “Ўзбекчармпойабзал” уюмшаси таркибига кирувчи корхоналар иштироки имтиёзли тарзда ташкиллаштирилди. Италиянинг Милан, Қозғистоннинг Алматы, Туркменистоннинг Ашхобод шаҳарларида ўтказилган ярмаркаларда ҳам республикамизнинг 30 дан ортиқ тадбиркори иштирок этиб, қарийб 8 миллион долларлик қийматдаги экспорт келишувларига эришилди. Бунда ҳам тадбиркорларнинг иштироки учун 20 миң АҚШ долларидан ортиқ миқдорда молиявий кўмак берилди.

— Маҳсулотларимизни ташқи бозорларга йўналтиришда жамғарма бизга яқин кўмакчи бўлаётти, — дейди Тошкент шаҳридаги “Фортуна Текстиль” корхонаси тижорат директори Дилноза Ахматова. — Хусусан, жамғарманинг молиявий кўмағида Москвада ўтказилган “Текстильлегпром – 2016” халқаро текстиль кўргазмасида биз ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотларимиз билан иштирок этиб, 122 миң АҚШ долларлик экспорт шартномаларини имзоладик. Кўргазмада республикамизнинг турли ҳудудларидан иштирок этган 60 нафар тадбиркор учун жамғарма кўмағида 154 миң долларга 500 м2 миллий павильон ташкил этилди ва тадбир доирасида 50 миллион долларлик экспорт шартномалари имзолангани мамлакатимизда биз каби ишбилармонларга яратилаётган имкониятларнинг аниқ кўринишидир.

— Жамғарма кўрсатаётган катта ёрдамлардан бири турли мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда имтиёзли тарзда иштирокимизни ташкиллаштираётганидир. — дейди Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги “Меҳригиё” корхонасининг тижорат директори Ҳожиакбар Абдуразоқов. — Бу бизга иқтисодий кўмак бўлиши билан бирга хориждан яқин ҳамкорлар топишимизда қўл келаяпти. Қолаверса, экспорт салоҳиятимиз ортомқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида Россия Федерациясининг Москва шаҳрида ўтказилган “World Food Moscow – 2016” қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмасида иштирок этиб, 500 миң АҚШ доллар миқдоридagi экспорт шартномалари имзоладик. Мазкур кўргазмада жамғарма кўмағида иштирок этган 24 нафар тадбиркорга 24 миң доллар қийматдаги кўргазма майдонлари харид қилинди. Бундай саяё-ҳаракатлар самараси ўлароқ 116 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Жамғарма фаолиятининг янада кенгайишида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 16 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, жамғарма Россия Федерациясининг Москва ва Ўфа, Италиянинг Милан, Жанубий Кореянинг Сеул, Болгариянинг София шаҳарларида, шунингдек, Испанияда ўз ваколатхоналарини очиб бўйича келишувлар имзолади. Жорий йилнинг сентябрь ойида эса Ташқи иқтисодий фаолият “Миллийбанк” ва жамғарма таъсисчилигидаги “Узвестлоиҳа” қошида ме-

ва-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозори конъюктурасини ўрганиш ҳамда ушбу соҳада лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашувчи, барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Август-сентябрь ойларида жамғарма тегишли ташкилотлар билан биргаликда республикамизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 66 та туманида хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти масалаларига бағишлаб семинар ўтказди ва унинг бош мавзуси ҳам экспорт масалаларига қаратилди.

Бундан ташқари, жамғарма хорижий хари-дорлар, йирик савдо мажмуалари вакиллари-нинг республикамиз ҳудудига ташрифи ва тадбиркорлар билан ўчрашувини ташкиллаштириш орқали экспорт салоҳиятини оширишга эътибор бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида жамғарма Фарғона вилоятида Латвия, Қозғистон, Россия каби бир қатор давлатларнинг йирик савдо мажмуалари, хусусан “Ашан”, “Магнит”, “Метро”, “Кеш энд Керри”, “Х5”, “Пятерочка” каби хорижий импортёр корхоналар иштирокида икки кунлик дара суҳбати ўчоштириди.

Тадбир доирасида тадбиркорларимиз томонидан 150 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотга экспорт шартномалари имзолашга эришилди ва шу асосда экспорт амалга оширила бошланди. Корея Республикасининг йирик савдо тармоғи — “Lotte Mart” вакилларининг 24-27 май кунлари республикамизга ташрифи доирасида озиқ-овқат, текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиб, ўтказилган бизнес музокараларга қўра ушбу давлатга қовун, гилос, шунингдек, йилига 2 миң тонна анор ва 450 миң доллар қийматдаги саримсоқлиғини экспорт қилиш бўйича келишувларга эришилди. Май ойида Тошкентда “Италия — Ўзбекистон” Савдо-саноат палатаси Президенти Луижи Иперти ҳамда Руминия Молиявий компаниялар уюмшаси бош котиви Адриана Ачарли билан ўтказилган ўчрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Европа Иттифоқи давлатларида текстиль, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, хорижий халқаро кўргазмаларда миллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини биргаликда ташкиллаштириш режалаштирилди. Бундан ташқари жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб ва эҳтиёжига мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, июнь ойида МДҲ, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юқори талабга эга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг навлари, уларнинг нархи ва импорт ҳажмлари бўйича маркетинг тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар буюкет тарзида тадбиркорларга тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларни хориждаги истеъмолчилар учун манзур бўлиши биринчи галда ишбилармонларимиздан жўрват ва ишонч билан иш юритишни тақозо этса, жамғарма ана шу ниятда интилиб ишлаётган тадбиркорларни ташқи бозор хатарларидан ишончли ҳимоялаш, маҳсулот ассортименти ва турларини таҳлил этиш, хориждан ишончли ҳамкорлар топиш ва бошқа хизматларни кўрсатишга доимо камарбаста бўлиб келмоқда.

Зиёдулла МЎМИНОВ,
“XXI asr” мухбири

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Нон қандай халтага солинади?

— Дўканда озиқ-овқат маҳсулоти сотаман. Савдо пайтида харидорга нонни қора полиэтилен халтага солиб берган эдим, эътироз билдирди. Айтинг-чи, харидорнинг эътирози ўринлими?

Ш. Юсупов,
Бектемир тумани



— Бирламчи хомашедан тайёрланган полиэтилен халталарнинг ранги тиниқ бўлади. Нон учун ранг қўшилмаган оқ халтани ишлатган маъқул. Иккиламчи хомашедан қайта тайёрланган қора полиэтилен халталарнинг ранги хира, оқ йўл-йўл чизикли, ёқимсиз ҳидли бўлади. Бу эса инсон соғлиғи учун зарар. Бундай халта тўпламларининг устки ўраимида албатта “ҳўжаликда ишлатилади” ва “ноозиқ-овқатлар учун” деган сўз ёзилган бўлиши керак.

Саволга “TEXNOSTANDART-NEO”
сертификатлаштириш органи бошлиғи
Татьяна ТОТРОВА жавоб берди.

Маҳсулот ёрлиғида... маълумот бўлиши шарт!

— Хорижда ишлаб чиқарилган кир ювиш машинасини сотиб олаётганда сотувчидан маҳсулотдан фойдаланиш ҳақида маълумот сўраганим, чала-чулла тушунтирди. Аслида бундай маҳсулотларнинг ёрлиғида унинг хусусиятлари қайд этилмайди?

Ҳ. Умаров,
Хатирчи тумани



— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан четдан келтирилаётган озиқ-овқат, электро-техника маҳсулотлари, дорилар, косметика, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ ва шунга ўхшаш маҳсулотларнинг мажбурий тарзда давлат тилида ёрлиқланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати киритилган. Сиз сотиб олган маҳсулот ҳам давлат тилида ёрлиқланиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатига қиради.

Рангли телевизор қачон яратилган?

— Нафақадалигим боис кўп вақтимни телекурсувлар кўришга сарфлайман. Яқинда менда, телевизор қачон рангли стандартда яратилган экан, деган савол туғилди. Илтимос, шу саволга мутахассислар ёрдамида жавоб олишимга кўмаклашсангиз.

Ш. Боймуродов,
Навоий шаҳри



— NTSC (миллий телерадиокомпания стандартлар кўмитаси) телевизон стандарти 1958 йил 18 декабрда АҚШда яратилган бўлиб, дунёдаги биринчи рангли аналог телевидение системаси ҳисобланади. Айни пайтда бу стандарт АҚШ, Канада, Мексика, Япония, Жанубий Корея, Тайван, Филиппин ҳамда Жанубий Америка қитъаси мамлакатларида қабул қилинган.

Саволга “Тошкент шаҳар синов ва
сертификатлаштириш маркази”
давлат корхонаси бўлим бошлиғи
Жавоҳир РОЗИҚОВ жавоб берди.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!



XALQ BANKI

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИГА ҚАРАШЛИ ДАВЛАТ РАҚАМИ 01 919 КВА БЎЛГАН ЛАСЕТТИ
АВТОМАШИНАСINI ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тижорат таклифлари нархлар ва тех-ник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Таклифлар 2016 йил 21 октябрь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар қуйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали олиш мумкин:

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

Қатортол кўчаси 46-уй.

ТЕЛЕФОН: (0-371) 273-86-57,

ФАКС: (0-371) 273-86-57.

e-mail: taxlii883@xb.uz

Хизматлар лицензияланган

Устозларга эҳтиром

✓ Дунёда шундай касб эгалари борки, ёш авлод тарбияси ва маънавий камолотини уларнинг машаққатли меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Гап ўқитувчи ва мураббийлар ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Халқимизда “Устоз отангдек улуг”, деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Чиндан-да, бирор соҳа эгаси йўқки, уларнинг тарбиясини олмаган, меҳр булоғидан сув ичмаган бўлса.

Тошкент фармацевтика институтида ҳам ўз касбининг фидойиси бўлган малакали мутахассислар кўп. Уларнинг жонбозлиги, ташаббускорлиги таълим-тарбия жараёнида яққол намоён бўлмоқда. Институт ректори, профессор А. Юнусхўжаевнинг таъкидлашича, муҳим саналар муносабати билан жамоада турли маданий тадбир, ўчрашув ва бадийий кечалар ўтказиш ўзига хос аънаъана

айланган. “Уч авлод ўчрашуви”, “Устозларга эҳтиром”, “Эл ардоғидаги устозлар” мавзудаги ана шундай тадбирларда талабалар катта қизиқиш билан иштирок этишади.

Таълим-тарбия соҳаси ходимларининг касб байрами бу йил ҳам институтда пухта тайёрларлик билан кутиб олинди. Ёшлар ижод саройида ташкил қилинган ушбу тадбирда меҳнат фахрийлари, профессор-ўқи-



тувчилар, истеъдодли санъаткорлар ва талабалар иштирок этишди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоинова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов, “Ниҳол” мукофоти совриндори Отабек Муталхўжаев ва бошқа хонандалар ижро этган куй ва қўшиқлар, талабалар томонидан айtilган устозларни мадҳ этувчи шеърлар, жозибали рақслар

даврга алоҳида файз бағишлади.

Тадбир доирасида бир гуруҳ иқтидорли талабаларга “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг эсдалик совгалари, шунингдек, профессор Маннон Азизов номидagi стипендия сертификатлари топширилди.

Нигора АШУРОВА,
Тошкент фармацевтика институти
Тиллар кафедраси ўқитувчиси

МОҲИЯТ

БУНЁДКОРЛИК

Муқаддас зиёратгоҳ

Зангиота мажмуаси истиқлол даврига келиб бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди



Яқинда Тожикистондан меҳмон келди. Самимий эҳтиром кўрсатиб кутиб олдик. Кўпдан бери юртимизни зиёрат этмоқчи ният қилиб юрган экан. "Фақат Самарқандни эмас, Ўзбекистоннинг бошқа жойларини ҳам кўриб, томоша қилиб, очғи, кўзларимга ишонмадим", дерди у ҳайронлигини яширолмай.

— Мени ҳайратга солган нарсаси, жуда қисқа фурсатда шундай улкан муваффақиятларга қандай эришдингизлар-а? Шунча ўзгариш, бунёдкорликларни амалга ошириш осон кечмагандир...

Унинг ҳаяжонлиги бераётган саволларига жавоб қайтаришга шошилмадик. "Яхшиси, сиз бемалол айландинг, кўринг, бошқа ўлкалар билан таққосланг", дедик бамайлихотир.

— Айниқса, Бразилияда бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ва Паралимпия уйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг муваффақиятли чиқишларини кузатиб, тан бердик. Боксчи ва дзюдочиларнинг маҳоратига бутун дунё қўйил қолди. Буёғи, Қамчиқ довои орқали темир йўл қуриб-сизлар, бизлар ҳам бу тарихий воқеани эшитиб, жуда қувондик...

Ўзгача меҳр билан сўзлаётган меҳмоннинг ҳар бир гапида "наҳотки" деган саволомуз маъно сезилиб турарди. Изоҳга эса ҳоҳат йўқ эди. Чунки бизнинг халқ азал азалдан ўзининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги билан дунёга доғру таратгани ҳақиқат.

— Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деганлари рост экан. Зангиота мажмуасини зиёрат қилиб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аввал ҳам келганим учунми, рост, дўстим, умуман таниёлмай қолдим. Бу гўзал масканга кирган кишининг чиққиси келмайди. Муқаддас зиёратгоҳ, халқингизнинг, яна тақдор айтаман, муволаға эмас, ҳақиқий бунёдкорлигини исботлаб турибди гўё...

Дарҳақиқат, XV асрга оид меъморий ёдгорлик ҳисобланган Зангиота зиёратгоҳи нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиё мамлакатлари халқлари орасида ҳам маълум ва машҳур. Мажмуанинг бундай номланиши Ойхўжа ибн Тошхўжа исми шахс номи билан боғлиқ бўлиб, туқ бугдойранг тусли киши бўлганлиги сабабли одамлар орасида "Занги ота" (яъни "қорачадан келган") номи билан танилган. Шахс Арслонбобнинг авлоди (эвараси) бўл-

ган бу зот Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза маҳалласида тугилиб ўсганлиги ҳақида тахминлар бор. Зангиота ва унинг издошлари халқ орасида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, меҳр-шафқат каби умуминсоний гоҳларни тарғиб қилган.

Зангиота мажмуасини XIV асрнинг 80-йилларида Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари қурдиргани ва XV асрнинг 20-йилларида Мирзо Улугбек ҳомийлигида қўшимча қурилишлар ҳамда безак ишлари бажарилгани, мажмуа мустақид тузум даврида эса омборхона, кейинчалик музей вазифасини ўтаганлигини юртдошларимиз тарихий манбалардан яхши билишди.

Этиборлиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 октябрдаги қарори асосида Зангиота мажмуаси ва унга туташ худудларда кейинги икки йил орасида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилдики, бу алоҳида мавзу. Янги лойиҳа талабага кўра мажмуага кириш дарвозаси қайта қурилди, чегара деворлари бошқатдан тикланди. Қадимги мадраса биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳовлидаги эски минора олиб ташланиб, янги масжид олдида баландлиги 31 метр бўлган янги минора қад кўтарди. Зангиота ва Анбарбиби мақбаралари ҳам буткул қайтадан таъмирланди. Мажмуадаги 5 та гўмбаз тикланди.

Зиёратгоҳга кирар экансиз, иймон, диёнат, савобли ишларга ундовчи ҳикматлар, муборак ҳадиси шарифдан парчалар, ва энг қувончлиси, янграётган муқаддас Куръони карим оятлари қалбингизга таскин беради, руҳингиз энгил тортади.

Ҳар фаслда алмашиб турадиган кўркам гулзорлар, райҳон, намозшомул, гул-

тожихўроз сеҳрли ифорида дил яйрайди, бахтал майсалар, тиниқ фавворалар кўзларни қувонтиради, файзли суҳбатгоҳлар юзлаб зиёратчилар хизматида. Айтишларича, бу манзилга дунёнинг турли худудларидан ҳар кун иртача беш мингга яқин киши ташриф буюради экан. Бу кўрсаткич келгусида янада кўпайиши кутилмоқда.

Тўракул ота Йўлдошев, меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти:

— Этибор беринг, бу муқаддас қадмажгога келган ҳар бир зиёратчи инсоннинг ақл-заковати неларга қодир эканлигини англаб етади. Бу ерда шундай ажойиб манзара яратилдики, уни меҳр билан зиёрат қилганлар кўнглида "Жаннатмонанд ўлкамизнинг ҳар бир гўшасини ана шундай гўзал масканга айлантирсак бўлади" деган орзу-ният тугилади. Қолаверса, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти, муҳтарам Ислам Каримовнинг яхшиликнинг муқофоти яхшиликдир, деган пурмаъно сўзларининг ҳаётий исботи аслида шу эмасми?

— Зангиота мураккаб шарофати билан чин маънода қайтадан дунёга келибди, — дейди Наманган вилояти Чуст шаҳридан келган Набижон Назаров. — Шундай улкан иншоотни обод қилган, бу зиёратгоҳга янги ҳаёт бахш этган инсонлар меҳнати самараси асрлар оша мангу яшашига ишонаман.

Бундай самимий дил сўзларини бу жойга умид билан қадам босиб келаётган ҳар бир инсон тақдорлаши мумкин. Кўпнинг дуоси қўл, деганлари балки шудир.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

— Мен инсон табиати қадрай билишим, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биланман. Шунинг ҳам тушуниб етиш керакки, инсон — табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак. Мен овулда катта бўлганман. Инсон табиат кўнгида, кишилар ва шу табиатга тегишли бўлган жониворлар билан ўт-майсалар, дарёлар ва ўрмонлар орасида улғайса, қандай ажойиб...

Шаҳарда-чи, шаҳар турмушида диққат инсон ақл-заковати барпо этган нарсаларга жамланади. Шаҳар замонавийликка яна фикрлаш, тафаккурни ҳам қўшимча қилади. Мен болалик гоҳ қишлоқ, гоҳ шаҳар ҳаёти билан алмашиб туриши керак, деб ўйлайман.

Болалик феномени... Мен болалик таассуротлари билан яшамайдиган ҳеч бир одамни, айниқса, иходкорни билмайман. Шубҳасиз, болалик менда ўз тамғасини қолдирган. Мен қизиқарли даврда тугилганим, Шакар овулида, қадимги патриархал муҳитда катта бўлганим учун тақдиримдан миннатдорман. Менинг момом оқила, кўп нарсаларни биладиган, зийрак, чевар ва оқин аёл эди. Момом менинг оламини поэтик идрок этишим, англашимга ёрдам берди. У киши айтиб берган эртақлар, қўшиқлар, ривоятлар, у мулоқотда бўлган одамлар — бари-бари менга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Агар бир кун иртта тонгда момом юзиде табассум билан қўшини аёлининг кўзи ёриганини айтса бўлди, мен

ўрнимдан дик этиб туриб ювинишим, сўнгра уларни қутлагани бирга боришим кераклигини билар эдим. Бу қўшинчикига бориб, уни қутлашга эмас, аввало кўришув, ҳар хил айтишув, лапарлар билан тантана уюштириш учун ҳам вақт эди. Бунақа байрамларда ҳамма болалар қатнашар, ҳеч ким уларга чақалоқни қарамзор ичидан топиб олдиқ, деб айтмас эди. Ҳозир болалар катталар ҳаётида камроқ қатнашадилар, улар бу пайтда болалар боғчасида шу боғчага оид қўшиқларни қўйлаб ўтирган бўладилар. Менинг фикримча, ҳеч бир ҳодиса болаларни четлаб ўтмаслиги керак. Шундагина улар Шахс бўлиб қалмоғи етадилар.

— Моддий ҳаёт ҳақидаги фикрингиз?

— Бу ҳақда менинг фикрим қатъий, агар ҳаётда моддий бойлик мақсадга айланса, шахс таназулга юз туғади.

— Худди "Бўтақўз" қиссангиздаги Абакирга ўхшаб-а?

— Ҳа, Абакирга ўхшаб. Баъзида пуллар қандай босиб, эзиб ташлашни одамларнинг ўзлари ҳам билмай қоладилар. Буюмларни ҳаддан ортиқ севиб, уларга ҳирс қўйиб — вассаса. Айниқса, баъзиларнинг бирор буюмга жиддий муносабатда бўлишлари менинг гашимга тегади. Айтилик, ҳозир бизда, республика чеккасида маълум турдада, республика чеккасида маълум турдада бўлмаган аёл ўзини хўрлангандай, камситилгандай ҳис қилади. Буюмларга бўлган бундай меҳнатларча муносабат кишида гараз уюғтади ва у ҳаммадан ажрлиб туриш



Чингиз АЙТМАТОВ:

талвасасига тушади. Буюмлар муқаддас қадриятлар қаторида ҳаёт маъноси, мақсадига айлиб қолмаслиги керак.

— Айтмоқчи, қиссаларингизнинг асосий персонажлари — аёллар. Улардан қайси бири сизнинг идеалингизга яқинроқ? Балки Жамиладир?

— Идеал ҳақида бирор нарсаси дейиш қийин. Менинг фикримча, умум қабул қилган русумга кўра, эътиборга сазовор, муносиб аёл тушунчаси мавжуд. Бу тушунча аёлининг бари маънавий фазилатлари, унинг маданияти, жозибаси, ташқи кўринишини ўз ичига олади. Жамила — менинг аёли илк мартаба романтик идрок қилишим маъсули. Ҳозир Жамила бошқача бўларди.

— Сизга инсондаги қайси хусусият ёқмайди?

— Мансабпарастлик. Бундай одам бирор мартабага эришаман деб ҳақиқатни гапирмайди.

1977 йил
Маъсума АҲМЕДОВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИИҲА УНИВЕРСИТЕТИ

ёш авлод камолоти, илму ҳунар ўрганишида ўз ҳиссасини қўшаётган устоз ва мураббийларни юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган касб байрами билан самимий қутлайди. Сизларга сўхат-саломатлик, шарафли ишингизда улкан зафарлар тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

Юқори сифат — маҳсулот кўзгуси

"Хоразм синово ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ва қўшма корхоналар, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари рақобатбардош, жаҳон стандартлари талабларига мос, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда яқиндан ёрдам беради.

Қадри тадбиркорлар!
Сиз корхонангиз, хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтирилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олиш, халқаро ISO 9001 — сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ниятида бўлсангиз марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт аудиторлари кўмаги ва маслаҳатларига таянишингиз мумкин.

Марказнинг туристик ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш идораси эса меҳмонхона хўжалигини дунё андозаларига мослаштириш ва сертификатлаштиришда ишбилармонларга кўмак беради. Корхона ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсовидан ўтказишда ҳам хизматингизга шаймиз.

Хизматлар лицензияланган

16-159

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Охангарон тумани Кенгаши О'зLiDeP Охангарон тумани Кенгаши раиси Шавкат Комиллов отаси **Эсон ота Комилловнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ASR
HAFITALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Кўвондиқ САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Аҳам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ Расул ҚУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Ихбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@mail.uz

Телефонлар: қабулхона — 215-63-80 (тел./факс). Котибиат — 281-40-17 Реклама ва шартнома-лар бўлими — 215-60-45, 255-68-50

"XXI asr" иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop etилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми — 5 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г — 1066 Тираж: 8820
Баҳоиси келишилган нарҳда. Топшириди — 2:30

Таҳрират келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.

©"XXI asr"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида териди ҳамда дизайнёр **Майрӯфжон Раҳмонов** томонидан сақиб қолди.

ISSN 2181-477X

4 772 181 477 001

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5

Набатчи муҳаррирлар: **А. МУЗАФФАРОВ, Ҳ. САЛОМОВ**

Газетамизнинг навбатдаги сони жорий йил 15 октябр — шанба кун чикади.